
Кўнгилларда шижоат завқи

Шу кунларда Фурқат тумани бўйлаб жойларда “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Маҳаллада дув-дув гап” тадбирлари ўтказилмоқда.

Тумандаги "Ингичка", "Калдушон", "Шойимбек", “Кармак”, “Ўртақўрғон” маҳаллаларида “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Маҳаллада дув-дув гап” тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тарғиботчилар тадбир давомида нуронийлар, тадбиркорлар, фаол хотин-қизлар, зиёлиларни аҳолини ислохотларга фаол сафарбар этиш, бунёдкорликка чорлаш, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, хотин-қизларни эзгу мақсадлар сари руҳлантиришда қизгин иштирок этишга ундаб, ҳозирда юртимизда амалга оширилаётган янгиланишлар ва уларнинг ўзига хос самараси хусусида фикр юритдилар.

Ижодкорлар ва санъаткорларнинг чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдириб, тарғибот тадбирлари дилрабо куй-қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

2024-01-06 11:18:50